

«Ўзкимёсаноат» АЖ жамоаси Гимнастрада фестивалида фаол иштирок этди

// 13 may 2024 йил

[https://special.uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/uzkemyosanoat-azh-zhamoasi-gimnastrada-festivalida-faol-isht](https://special.uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/uzkemyosanoat-azh-zhamoasi-gimnastrada-festivalida-faol-ish)



7-май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан “15 май – «Халқаро оила куни» ва «Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи» кўрик-танловини нишонлаш мақсадида, вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида «Спорт – нафислик ва саломатлик манба» шиори остида Гимнастрада фестивали бўлиб ўтди.



Ушбу фестивалда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти ўтган йилдаги каби фаол иштирок этди. Бу борада, тизим корхонаси - «Максам-Чирчиқ» АЖнинг 10 нафар аёллари Жамият жамоаси сифатида муносиб қатнашди ва «Энг яхши мусиқа ҳисси учун» номинациясида ғолиб бўлди.





«Максам-Чирчиқ» АЖ Матбуот хизмати